

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2017
ФЕВРАЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, М.АБДУОЛИМОВА

Гиперболик турдаги тенглама учун силжишли чегаравий масала ечимининг ягона эмаслиги ҳақида 5

А.ЮСУПОВА

Олий математика фани бўйича оралиқ назоратларни тест шаклида ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари 10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.РАСУЛОВ, М.МАМАТОВА, А.ЗОКИРОВ, И.ЭШБОЛТАЕВ

Электронларнинг гетероструктура потенциал тўсиғи орқали ўтишларида резонансли туннелланиши 13

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

М.АХМАДАЛИЕВ, И.ТУРДИБОЕВ

Том ёпқи махсулотлари ишлаб чиқариш муаммолари ва истиқболлари 16

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

П.БАРАТОВ, Н.СУЛТАНОВА

Тоғли Зарафшон водийсининг геоморфологик хусусиятлари ва террасалари 19

М.НАЗАРОВ, Р.АКБАРОВ

Тупроқни бойитишда биотик чиқиндилардан фойдаланишнинг ўсимликлар ҳосилдорлигига таъсири 24

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.АБДУЛЛАЕВ

Фалсафа фанининг долзарб муаммолари 29

Р.АРСЛОНЗОДА

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги замон архив тизими 34

К.РАХИМОВ

Сополли маданияти металл эритиш хумдонлари 39

А.АБДУМАЛИКОВ

Фуқаролик жамиятини қуришда ахборот маданиятини шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти 44

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.САБИРДИНОВ, Д.КОМИЛОВА

Чўлпон ҳикояларида миллийлик 46

Г.МУҲАММАДЖОНОВА

Ижодкор образи талқини: муштараклик ва ўзига хослик (А.Қаҳҳорнинг “Сароб” ва Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романлари мисолида) 49

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ҚАЛАНДАРОВ

Эвфемик маъно лисоний ва нолисоний омиллар қуршовида 53

ЭВФЕМИК МАЪНО ЛИСОНИЙ ВА НОЛИСОНИЙ ОМИЛЛАР ҚУРШОВИДА

Ш.Қаландаров

Аннотация

Лингвокультурологик талқинлар миллий-маданий семаларни ажратиш йўлидан боради. Миллий-маданий сема лисоний ва нолисоний омиллар яхлитлигида шаклланади. Нолисоний омиллар, шунингдек, тил ҳодисалари маъноларини парчалайди, муайянлаштиради ва воқелантиради. Воқелантириш жараёнида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги ўзгарувчан ва шароитга мослашувчан бўлади.

Аннотация

Лингвокультурологическое толкование идет по пути разделения национально-культурных сем. Национально-культурная сема формируется на целостности лингвистических и нелингвистических факторов. Нелингвистические факторы, а также лингвистические явления расчленяют, конкретизируют и материализуют значение слов. В процессе материализации взаимодействие лингвистических и нелингвистических факторов становится изменчивым и приспособляемым к условиям.

Annotation

The lingua-cultural interpretations go on the way of separation of national-cultural semes. National-cultural seme is formed on the base of linguistic and non-linguistic factors' wholeness. Non-linguistic factors break into pieces, define and reflect the meaning of language cases as well. In the process reflecting the relationship of linguistic and non-linguistic factors are changeable and coincidental.

Таянч сўз ва иборалар: лингвокультурология, лингвистик, нолисоний, эвфемизм, нутқий этикет, дискурс.

Ключевые слова и выражения: лингвокультурология, лингвистический, нелингвистический, эвфемизм, речевой этикет, дискурс.

Key words and expressions: lingua-culturology, linguistic, non-linguistic, euphemism, speech etiquette, discourse.

Бугунги кунда тил илми эътиборини миллий маданият ва маънавият тил бирликлариди қай тарзда акс этиши муаммосига қаратмоқда. Бу тенденция маданият тушунчасини тил ва жамият яхлитлигининг ўзига хос шакли тарзида қарашга бўлган интилиш билан боғлиқ. Бунга кўра, тил миллий маданият, миллат менталликни ифодаловчи восита сифатида юзага чиқади. Маданият кенг қамровли тушунча сифатида “инсон”, “онг”, “оила”, “фаолият” тушунчалари билан бевосита, “тил” тушунчаси билан билвосита алоқадор. Зеро, инсон, онг, фаолият маданиятни вужудга келтирувчи омиллар бўлса, тил вужудга келган маҳсулни ифодалаш, сақлаш ва узатиш вазифасини ўтайди.

Тил маданиятнинг таркибий қисми ва қуроли, у руҳият борлиғи, маданият кўриниши бўлиб, миллий менталликнинг хусусий белгиларини ўзида ифодалайди. Маданият лисоний ифода ичида яшаб, ривожланади, у бугунги кунда, ўтмишдагидан фарқли равишда, кўпроқ вербаллашган ҳолатда. Тил маданиятга хизмат қилади. У маданиятнинг вербал “муляж”ларини, баъзан ноаниқ иллюзияларини яратадики, унга уларнинг маданий мавжудликлар билан боғлиқ номинация ва коммуникация жараёнларида алмаштира олиш

имкониятлари сабаб бўлади.

Тилда сақланиб қолган мақол, матал, ибора, метафора, рамз ва мажоз – ўтмиш ва бугунги миллий маданиятимиз “конспектлари”, ёдгорликлари. Улар воқеликни билвосита ифодалайди, шунинг учун ҳам улар бебаҳо миллий бойлик ҳисобланади. Билвосита ифодалашда миллий ўзлик намоён бўлади.

Анъанавий илмий ёндашувларда мақоллар асосан халқ оғзаки ижодини ўрганиш доирасида қолиб келди. Унга асосан фольклор жанри сифатида муносабатда бўлинди. Гарчи тилшуносликда мақоллар барқарор бирликлар сифатида лисоний ҳодиса дея эътироф этилса-да, унинг лисоний моҳиятига етарлича баҳо берилган деб бўлмайди. Фанимизда лисоний бирлик сифатида унинг айрим синтактик хусусиятлари таҳлилга тортилган, холос.

Миллий-маданий сема асосида миллий-маданий семема шаклланади. Лексемаларнинг барча ҳосила семемалари миллий-маданий семемалар ҳисобланади. Лекин лексеманинг бош семемаси ҳам, агар лексеманинг бошқа тилда муқобили бўлмаса, миллий-маданий семема ҳисобланади. Бир тилда мавжуд бўлиб, бошқа тилда муқобили бўлмаган сўзларни таржима луғатларда

Ш.Қаландаров – ҚДПИ ўзбек тилшунослиги кафедраси катта илмий ходим – илмувчиси.

беришда уларнинг маънолари изоҳланади. Муқобилини бермасдан, маънони изоҳлаш, тавсифлаш ушбу маъноларнинг миллий-маданий маънолар эканлигини кўрсатади. Айрим сўз бир неча тил учун миллий-маданий сўз бўлиши ҳам мумкин.

Лексемалар нафақат алоҳида қўлланишларида, балки барқарор бирикмалар таркибида ҳам кўчма маънолар “ташийди”. Хусусан, мақол ва иборалар таркибида бундай ҳолатларнинг ёрқин намуналарини кўришимиз мумкин. Юқоридаги “лексемаларнинг аксарият кўчма маънолари миллий-маданий моҳиятга эга” деган тезисдан келиб чиққан ҳолда мақоллар таркибидаги сўзлар маъноларини миллий-маданий сема нуқтаи назаридан кўриб чиқиш янги илмий хулосалар беришга асос бўлади.

Лисоний бириклар нутқда ҳеч қачон мустақил воқелана олмаганлиги каби, улар ифодаладиган маънолар ҳам бошқа бирикларнинг маъноларига, шу билан биргаликда, бошқа нолисоний – ташқи омиллар билан боғлиқ ҳолда нутқда намоён бўлади. Айниқса, окказионал маъноларнинг воқеланишида ушбу бирикдан ташқаридаги лисоний ва нолисоний омилларнинг ҳамкорлиги устувор равишда намоён бўлади.[1.34] Мақоллар орқали ифодаланадиган эвфемик маъно ўзининг юқори даражада прагматик ва социал хосланганлиги билан ажралиб туради. Биз кузатишлар натижасида мақоллар орқали ифодаланадиган эвфемизациянинг лисоний ва нолисоний омиллар қуршовида юзага чиқишига амин бўлдик. Фикримизни асослаш учун матнларга мурожаат қиламиз:

*Қани энди ҳамма одамлар сизларни жаннатдан учиб чиққанларингени билганда эди. Одамлардан ҳам хафа бўлиб бўлмайди. Уларнинг ҳам ташвиши кўп. Дунё шунақа экан. Инсон қанча қорни тўйиб, бири икки бўлса, шунча серташвиш бўлиб қоларкан. **Замонанг тулки бўлса, този бўлиб қув** деганларидек, одамлар фақат кунининг орқасидан қувадиган бўлиб қолишди. Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Одамларга қанчалик ақл кирган сари жониворларнинг, дов-дарахтларнинг тинчлиги бузиляпти. Магазинларда ун кўпайиб, сизлар ризқ-рўзларингени териб ейдиган тегирмонни ҳам бузиб ташлашди. Унинг ҳеч кимга оғирлиги тегаётгани йўқ эди-ку? (Н.Қобул, “Каптарлар қайтмаган кун”) Мақол кампирнинг тилидан баён этилган матндан олинди. Бу – биз юқорида таҳлил қилган *Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ* мақолига синоним. Ҳар икки мақол қиёсланганда, уларнинг эвфемиклик*

даражаси ойдинлашади. Бошқача айтганда, *Замонанг тулки бўлса, този бўлиб қув* мақолида маълум даражада дағаллик бор ва мақол *Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ* мақолидан эвфемиклик даражасининг пастлиги билан характерланади. Лекин шундай бўлса-да, воқеликнинг асл ифодасига нисбатан унда эвфемизация кучлироқ. Мақол қўлланган қурилмадан олдинги жумладаги *қорни тўймоқ* бирикмаси – ушбу мақолни қўллашга қўйилган илк лисоний “қадам”. Бироқ прагматик омил лисоний омилдан олдинроқ “ишга тушган”. Аниқроғи, кампирнинг каптарлар билан олиб бораётган “сухбат”и мақолнинг ушбу варианты қўлланишига асос бўлганлигини таъкидлаш лозим. *Жонивор, дов-дарахт, териб емоқ* бириклари айнан ушбу мақолнинг қўлланишига ва эвфемик қийматини ташишига олиб келувчи лисоний омиллардир. Ушбу сўзларнинг матндаги иштироки, биринчидан, мақолнинг ушбу маънодоши қўлланиши ўринлилигини таъминлаган бўлса, иккинчидан, қўлланишнинг эвфемиклашувига хизмат қилган.

*Муҳаммад Ҳусайн дуғлат эса кўч-кўронини туя ва отларга ортиб жўнаб кетди ва Мурғоб бўйларида Шайбонийхонга бориб қўшилди. Аммо ўрганган кўнгиел ўртанса қўймас, деганларидек, ўша ерда ҳам фиску фасод ишларга бош қўшгани учун Шайбонийхон томонидан ўлдирилди. (П.Қодиров, “Юлдузли тунлар”) Олдинги жумладаги Шайбонийхонга қўшилди бирикмасидан кейинги мақолнинг келишининг ўзи ундан англашилган фискуга зид воқелик берилаётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, *фисқ-фасод ишларига бош қўшгани* учун бирикмасидаги *фисқ-фасод* сўзининг қўлланиши мақолнинг таъсир кучи ва эвфемиклик қувватини таъминлаган. Зеро, маълум даражада кўполроқ ва дағалроқ бўлган сўзнинг ёнида ундан ушбу белгиси камроқ тил ҳодисаси маъноси эвфемик хусусият касб этади. Шу маънода қўлланган мақол шахснинг ҳолатини юмшоқроқ ифодалаш учун асос бўлиб хизмат қилган. Бошқа бир матнга мурожаат қилайлик:*

У (Бобур) сакраб отига минди-ю, дара ичида ёвга кўринмай тайёр турган бек ва навкарларига қараб қичқирди:

– Ёғий чекинди! Зафар бизники бўлур! Таъқиб этинг!

Бу буйруқ оғиздан-оғизга ўтиб, бир лаҳзада бутун сафларга тарқалди. «Ёв қочса ботир кўпаяди» деганларидек, ёв чекинганига ишонган дарадаги аскарлар даҳана ташқарисига шердай дадил ҳамла қилиб чиқдилар. Бобур ҳам қилич яланғочлаб,

ТИЛШУНОСЛИК

тепадаги туғбардорлари ва хос навкарлари билан пастга отилди.

Матнда қўлланган мақол аскарларнинг шоҳ Бобур даъватидан сўнг “дахана ташқарисига шердай дадил ҳамла қилиб чиқиши” ни оқлаш учун “ҳамма ҳам шундай қилади” деган маънода қўлланган. Демак, муаллиф “хатти-ҳаракатни оқлаш” стратегияси учун ушбу мақол эвфемизациясидан фойдаланган. Матннинг *Ёғий чекинди! Зафар бизники бўлур! Таъқиб этинг!* қисми лисоний восита сифатида мақолда эвфемизация намоён бўлиши учун кўмаклашган.

Чунки бошқаларга қараганда унинг Тошканд бориши ва Азизбекнинг яқин одамнинг ўғли бўлгани учун унинг билан алоқада бўлиши, заҳар бериш ва ё бошқача бир йўл билан уни орадан кўтара олиши унга энг қулай бир ишдир. Оғриқнинг тузаласи келса эмчи ўз оёғи билан келур, деганларидек, Отабекни Марғилонда бўлиш хабарини эшитиб, хон билан мен жуда қувонишдиқ... мана сизни чақиришдан бўлган мақсадимиз шудир. Яна сизнинг бу ҳақдаги раъйингиз нима бўлса эшитамиз. (А.Қодирий, “Ўткан кунлар”)

Мақол “Отабекнинг келиши муаммоларимизни ҳал қилди” ахборий мазмунини бериш учун эвфемизация мақсадида қўлланган. Матндаги *қувонишдиқ* сўз шакли мақолнинг эвфемик маъносини реаллаштирувчи лисоний воситадир.

Меҳмоннинг ихтиёри мезбонда бўлгач, Манзура нима дея оларди? Ўғиллар онадаги ташвиш булутини нари ҳайдаш ниятида Алп тоғларининг беназир гўзаллигини мадҳ этишди.. «Боланинг кўнгли далада» деганлари балки шудир. Ҳозир ғойибдан бир овоз келиб «жаннат эшиклари сенга очилади, кирасанми ё уйингга борасанми?» дейилса у

ҳеч иккиланмай уйга қайтмоқни ихтиёр этарди. (Т.Малик, “Шайтанат”) Матнда қўлланган мақол – “ота-оналар фарзандларидан хавотирда, фарзандлар эса ота-онасини ўйлашмайди” деган фикрнинг манипулятив ифодаси. Мақолдан олдин берилган *Ўғиллар онадаги ташвиш булутини нари ҳайдаш ниятида Алп тоғларининг беназир гўзаллигини мадҳ этишди* жумласи мақолнинг бу вазифасини юзага чиқаришга ҳамкорлик қилувчи лисоний ҳодиса – синтактик қурилма. Мақол иштирок этган қурилмадан кейинги фикр ҳам маълум даражада қалтис ва дилга оғир ботадиган фикрни ташийди. Лекин микроматнда илгари сурилаётган умумий фикрнинг асоси мақолда бўлиб, у мавжуд қалтисликни юмшатиш учун қўлланган ва ҳолатнинг аждодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётганлигига ишора ва кўникишга даъват дейиш ҳам мумкин. Демак, бунда эвфемизация “кўникишга даъват” стратегияси учун хизмат қилдирилган тактик ҳодиса бўлиб, матндаги мақолдан олдин ва кейин келтирилган лисоний ҳодиса – синтактик қурилмалар мақолнинг икки қаноти сифатида воқелантирувчи омил кўринишига эга бўлган.

Мурожаат хушмуомалалик стратегиясини намоён қилувчи шунчаки нутқий этикет унсуринга эмас, балки коммуникатив вазиятни бошқарувчи психологик усул ҳамдир. Мурожаатда хушмуомалаликнинг этикет формулалари сўзловчи ва тингловчи шахснинг мақоми ҳамда коммуникация вазиятига боғлиқ. Шу боисдан мақолларнинг коммуникатив стратегияга мос равишдаги эвфемизация тактикаси кўпроқ диалогик дискурсда воқеланади. Диалогик дискурсда эса прагматик вазият шахс омили билан устувор алоқадорликка эга бўлади.

Адабиётлар:

1. Бобониёзов А. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти: Филол.фанлари номзоди...дисс. – Тошкент, 1995.
2. Джалолова Л.О. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди... дисс....автореф. – Т., 2007.
3. Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. - № 4. – Б.34.
4. Омонтурдиев А.Ж. Профессонал нутқ эвфемикаси: Филол.фанлари докт. ... дисс.автореф. – Тошкент, 2009. – Б.17.
5. Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фанлари докт... дисс. автореф. – Т., 2009.

(Тақризчи: Н.Маҳмудов, филология фанлари доктори, профессор).